

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ АЛИШЕР АСТАНОВИЧ

**ДАВРИЙ СПОРТ ТУРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ СПОРТЧИЛАРДА
СОМАТИК ВА СТОМАТОЛОГИК СОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
БАҲОЛАШ**

**14.00.21 – Стоматология
14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (PhD)

Content of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Ахмедов Алишер Астанович

Даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда соматик ва стоматологик соғлиқ кўрсаткичларини баҳолаш 3

Ахмедов Алишер Астанович

Оценка показателей соматического и стоматологического здоровья у спортсменов циклического вида спорта 27

Ahmedov Alisher Astanovich

Assessment of indicators of somatic and dental health in athletes of cyclic sports 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ АЛИШЕР АСТАНОВИЧ

**ДАВРИЙ СПОРТ ТУРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ СПОРТЧИЛАРДА
СОМАТИК ВА СТОМАТОЛОГИК СОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
БАҲОЛАШ**

**14.00.21 – Стоматология
14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2020.3.PhD/Tib.1316 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdsi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Хасанова Лола Эмильевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Садиков Абдушукур Абдужамилевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Камилов Хайдар Позилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Калбаев Абибилла Акбураевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қирғиз Республикаси)

Етакчи ташкилот:

**Қозоғистон-Россия тиббиёт университет
(Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru.

Фалсафа доктори диссертацияси (PhD) билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам остида рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли тарқатиш баённомаси реестри)

Ш.А. Баймурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.С. Ибрагимова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгашнинг
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

О.Е. Бекжанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Охирги йилларда ер юзининг қарийб барча худудларида профессионал спортни ривожлантиришга бўлган интилиш, шунингдек спортнинг хилма-хил турлари билан шуғулланаётган инсонлар, кўп ҳолларда болалар ва ўсмирлар сонининг ортиши кузатилмоқда. Жисмоний ва руҳий зўриқишларнинг ҳажми ва давомийлиги ортиши шароитида оғиз бўшлиғи органлари ва организм тизимлари касалликларининг профилактикаси, бугунги кунда амалий тиббиётда юқори натижалар спортида даволаш-профилактика тадбирлари ва умуман бутун шифокорлик назоратининг ажралмас қисмига айланган. Спорт тиббиёти соҳасида “...организмнинг турли тизимларининг функционал ҳолати, шу жумладан профессионал спортчиларнинг умумий соғлигининг муҳим элементи ва кўрсаткичи бўлган оғиз бўшлиғи органлари ва тўқималарининг функционал ҳолати масъул ва йирик халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун стандарт сифатида қабул қилиниши лозим...”¹ деб ҳисобланади.

Дунёда даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда пародонтитни ташҳис қилиш, даволаш ва профилактика самарадорлигига эришиш мақсадида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Спорт билан шуғулланиш ҳамда жисмоний ва эмоционал юкламаларнинг интенсивлиги организмнинг турли аъзолари ва тизимларига салбий таъсир кўрсатади, бу ўз натижасида спортсменлар организмида турли хил сурункали яллиғланиш касалликларини ривожланишига олиб келиши мумкин. Кўпчилик мутахассислар томонидан спорт тиббиёти соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар жисмоний бардошлик ва спортчилар ҳаёт сифатини пасайишида сурункали инфекция ўчоқларининг этиопатогенетик роли ҳақида далолат беради. Бунда, бугунги кунга қадар спортчиларнинг умумий ҳолатига инфекциянинг пародонтал ўчоғи, карие ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларининг таъсир даражасини ўрганишга етарлича аҳамият берилмаётганлигини таъкидлаб ўтиш муҳим.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг ривожланиши, аҳоли орасида сурункали ҳасталикларни олдини олиш, пародонтит ва карие асоратларини камайтириш – тиббиёт ходимлари олдида турган муҳим муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу муаммоларни мақсадли равишда ҳал қилиш учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...”² бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида беморларга кўрсатиладиган тиббий хизматларни яхшилаш бўйича

¹ Европа худуди бўйича соғлиқнинг асосий кўрсаткичлари. БССТ, 2014

² “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йил ПФ-4947 сонли Фармони.

чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди. Карлес ва пародон касалликларини ташхис қилиш ва сифатли тиббий хизматни кўрсатишда, инновацион технологияларни қўллаш асосида даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли Қарори, 2018 йил 7-декабрдаги ПҚ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади», 2017 йил 9-мартдаги “Токиода (Япония) 2020 йилда Ўзбекистон спортчиларини XXXII-ёзги Олимпия ва XVI-Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ-2821-сонли Қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъерий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, спортчилар соғлигининг умумий ҳолатини ўрганишга кўплаб тадқиқотлар бағишланган (Моқеева Е.Г., 2009). Бироқ даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларнинг стоматологик саломатлиги ҳолати, пародонт касалликларининг ривожланиши ва зўриқиш омилларига тадқиқотчилар томонидан ҳам хорижда, ҳам мамлакатимизда етарлича эътибор берилмаяпти. Жағ-юз соҳасининг жароҳатли шикастланиши (Кузнецов В.В., 2008), пародонтнинг яллиғланиш касалликлари вақтида оғизнинг мукозал иммунитетини ҳолати (Антонова И.Н., 2008) ва тишларнинг кариеси (Лесных Ю.В., 1999) кабиларга бағишланган алоҳида илмий ишлар мавжуд. Мавжуд бўлган адабиётларда, биз томонимиздан, жисмоний юкланишдан келиб чиққан ҳолда даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчилар орасида стоматологик касалликлар билан ҳасталаниш бўйича статистик маълумотлар аниқланмади. Спортчиларнинг оғиз бўшлиғи ҳолатини баҳолаш бўйича мақсадли стоматологик ва тиббий-биологик тадқиқотлар ҳам мамлакатимизда олиб борилмаган. Тизимли хусусиятдаги салбий таъсир қилиши ва спортчиларнинг ҳаёт кечириш сифатини ёмонлаштириши мумкин бўлган пародонтнинг сурункали яллиғланиш касалликлари ўткирлашиш хавфи омиллари ўрганилмаган. Махсус адабиётни таҳлил қилиш ҳозирги вақтда тиш-жағ тизимида ривожланувчи патологик ҳолатларни олдини олиш ва бартараф қилиш учун алоҳида шахсий дастурларни ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд.

Ўзбекистонда бир қатор олимлар турли стоматологик касалликларни

комплекс даволаш бўйича тадқиқотларни амалга оширишган (Мавлонова З.Ш., 2010; Юлдашева Н.А., 2017; Алимова Д.А., 2018). Стоматологик касалликларнинг профилактикаси бўйича тизимли ўрганишга нисбатан комплексли ёндашувнинг йўқлигини спорт тиббиёти мутахассислари ва стоматологлари ўртасида клиник ҳамкорликнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Мазкур ўрганилаётган муаммонинг муҳимлиги юқори спорт натижаларига эришиш зарурияти ва сурункали инфекциянинг одонтоген ўчоқларини ўз вақтида ташхис қилиш, олдини олиш ва даволашнинг етарли даражада эмаслиги ўртасида муҳим қарама-қаршиликлар мавжудлиги билан изоҳланади. Сурункали одонтоген инфекциялар бир қатор турли соматик касалликлар ва ногиронликга олиб келадиган оғир асоратлар ривожланишининг бошланғич сабаблари эканлиги исботланган бўлсада, одонтоген инфекцияларнинг спортчиларнинг фаолиятига таъсири, шу билан бирга шу тушунчанинг ўзи ва сурункали одонтоген ўчоқларнинг спортдаги хусусияти ҳам етарлича ўрганилмаган. Юқоридагиларнинг барчаси диссертация иши, унинг мақсадлари ва вазифаларининг долзарблигини белгилайди.

Шу тарзда, кўриб чиқиладиган муаммо бўйича мавжуд бўлган адабий манбаларнинг таҳлили турли соматик касалликларнинг аниқланаётгани, умумий стоматологик касалликлар даражасининг ортаётганини кўрсатмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда турли соматик касалликлар шароитида организмнинг иммунобиологик ва аллергик қарши жавобини ишончли камайтиришга қаратилган алоҳида комплекс даволаш-профилактик дастурларни ишлаб чиқиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат стоматология институтининг 01040025-рақамли илмий-тадқиқот ишининг режасидаги “Оғиз бўшлиғи ва тиш патологияларни даволаш ва профилактика қилишнинг янги усулларини яратиш ва жорий қилиш” мавзуси доирасида бажарилган (2018-2019).

Тадқиқот мақсади комплекс функционал ва лаборатория текшируви асосида даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда оғиз бўшлиғи касалликларини ташхис қилиш ва олдини олиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда кариес ва парадонт касалликларини тарқалиш ҳолатларини ўрганиш;

даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда оғиз биотонларнинг микробли манзарасини тавсифлаб бериш;

жисмоний зўриқиш кучининг спортчиларнинг қонидаги биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш;

даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда жисмоний юклама вақтида сўлакнинг таркибий хусусиятларини ўрганиш;

даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда стоматологик касалликларни профилактик ва комплекс даволаш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 16 дан 21 ёшгача бўлган даврий спорт тури (байдарка ва каноэда эшкак эшиш) билан шуғулланувчи 74 нафар спортчилар олинган.

Тадқиқот предмети: спортчиларда стоматологик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишда қон зардоби ва оғиз суюқлиги.

Тадқиқот усуллари. Белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида клиник, биокимёвий, клиник-лаборатория, клиник-функционал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда парадонт тўқимаси ҳамда оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати зарарланишлари ва жисмоний юклама орасидаги ўзаро бўғлиқлик аниқланган;

илк бор спортчиларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг мукоз тўсиғи ҳолати жисмоний юкламадан сўнг оғиз суюқлигидаги яллиғланишга қарши цитокин (ИЛ-1) ва антимикробли пептид (альфа-дефензин) кўрсаткичларини баҳолаш орқали аниқланган;

спортчиларда сўлак ҳимоя функцияси ва унинг физик хусусиятларининг ўзгариши оғиз суюқлиги гликопротеинларида сиалоли кислотасининг юқори даражаси билан боғлиқлиги исботланган;

спортчиларни жисмоний зўриқиш фонида тромбоцитлар шаклини тез ўзгариши билан уларнинг адгезив-агрегацион хусусиятларини ортишига кўмаклашувчи эндотелиоцитларнинг дисфункцияси аниқланган;

даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчилар учун мўлжалланган комплекс профилактика тадбирларига жисмоний зўриқиш даврида спортчи организмнинг маҳаллий ва тизимли ҳимоя даражасини оширишга ёрдам берувчи препаратларни қўшиш мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган маълумотлар ва даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда оғиз бўшлиғи соғлиғига ва парадонтнинг сурункали яллиғланиш касалликлари кечишига таъсир қилувчи омилларни аниқлашга имкон берган;

спортчиларнинг стоматологик ёрдамга мурожаат қилиш сабаблари аниқланиб, бу даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчилар учун стоматологик дастурларни ишлаб чиқиш учун асос бўлган;

ўз ичига оғиз бўшлиғида мавжуд бўлган патологиясига нисбатан тизимли мультидисциплинар ёндашувни олган комплексли дастурлар асосида даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда оғиз бўшлиғининг асосий стоматологик касалликларини олдини олиш дастури тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ушбу ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, ўтказилган клиник текширувларнинг услубий ишончлилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, биокимёвий, клиник-лаборатория, клиник-функционал ва статистик усуллар орқали ишлов берилганлиги, шунингдек даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда парадонтитни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш натижалари ҳорижий ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги,

чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқотнинг назарий аҳамияти оғиз бўшлиғи соғлиғига ва даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда пародонтнинг сурункали яллиғланиш касалликлари кечишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти касалликнинг патогенетик механизмини ҳисобга олган ҳолда пародонтнинг комплекс даволаниши ва олдини олиш усуллари танлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда кариес ва пародонт касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда мукоз тўсиғи ҳолатини баҳолаш” услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 8н-р/191-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда кариес ва пародонт тўқималари касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва самарали даволаш учун аниқ ҳаракатлар режасини тузиш тизимини такомиллаштириш имкониятини берган;

“Даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда томирлар эндотелиал хужайраларининг дисфукцияси маркерлари” услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 8н-р/191-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда кечувчи пародонтитни самарали даволаш тизимини яратиш имкониятини берган;

Даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда кариес ва пародонт касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги стоматология поликлиникасига, институтининг даволаш-стоматология поликлиникаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-сонли стоматология поликлиникасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 8н-д/135-сонли маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши тиббий хизмат сифатини ошириш, ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари қўллаш, бемор ҳаёт сифатини яхшиланиши ва беморларни даволаниш муддатларини қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик учун имконият берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 3та халқаро ва 1та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик

диссертацияларининг(PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган 8та журнал мақолалари, шу жумладан 5та республика ва 3та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар ва иловалар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг муҳимлиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг асосий мақсади ва вазибалари унинг объекти ўрганиш предметлари баён қилинган, республиканинг фан ва техникаси ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг амалий аҳамияти очиб берилган, ушбу натижаларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши, натижаларнинг апробацияси ва чоп этилиши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабий манбаларнинг таҳлили ўтказилган. Стоматология ва спорт тиббиёти соҳасида хориж ва маҳаллий олимларнинг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олишнинг янги усулларига бағишланган адабий маълумотлар баён қилинган, давлат ва маҳаллий миқёсда ечилиши лозим бўлган муаммолар кўрсатиб ўтилган.

“Тадқиқот материаллари ва усуллари” деб номланган иккинчи бобда мазкур тадқиқот асосланган текширишнинг усуллари ва материаллари, хронология маълумотлари, текшириш объектлари баён қилинган. тадқиқот объекти сифатида ёши 16 дан 21 гача бўлган даврий спорт тури (байдарка ва каноэда эшкак эшиш) билан шуғулланувчи 74 нафар спортчилар танлаб олинди.

Диссертация тадқиқоти ЎзР МОҚ ҳузуридаги РСТИАМ да 2018 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда амалга оширилган.

Тадқиқот иштирокчиларини анкеталаш (сўровномадан ўтказиш) ўтказилган бўлиб, бунинг натижасида спортчиларнинг жағ-юз соҳасида орттирилган спорт жароҳатлари, оғиз бўшлиғи гигиенаси, кечган соматик касалликлар ҳақидаги маълумотлар олинган.

Тадқиқот давомида спортчилар 2 гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳга 48 нафар спортчилар жисмоний зўриқишга қадар киритилди. Иккинчи гуруҳга жисмоний зўриқишдан ўтган 26 нафар спортчилар танлаб олинди. Тақдим этилган тадқиқотда эшкакчиларнинг умумий жисмоний иш қобилияти, уларнинг тишлари ва пародонт тўқималарининг ҳолатига баҳо берилди. Умумий жисмоний қобилиятни текшириш учун тест юкламаси сифатида босқичма-босқич “тўлиқ чарчоқгача” бўлган юкланишли велоэргометр тест қўлланилди. Юкламанинг бошланғич қуввати эркак спортчилар учун 750 кгм/дақ (ёки 125 Вт) ва аёл спортчилар учун 600 кгм/дақ (ёки 100 Вт) ни

ташқил этди. Ҳар бир босқичнинг давомийлиги 2 дақиқадан иборат бўлди. Одатдаги ҳаракат тезлиги бир дақиқада 60 айланишни ташқил қилди. Ҳар икки дақиқада юклама қуввати дам олиш учун танаффуссиз 150 кгм/дақ (ёки 25 Вт) га оширилиб, тўлиқ чарчоқ вужудга келганга қадар давом эттирилди. Тест вақтидаги пульс ҳар дақиқада текшириб борилди. Топшириқнинг ҳар бир босқичида ЮҚС қайд этиб борилди. Мусобақа юкланишлари туфайли вужудга келган оғиз суюқлигидаги метаболик оғишларни баҳолаш учун сўлак намуналари олиб турилди. Аралаш стимулланмаган (соф) сўлак эрталабки вақтда оч қоринга ва жисмоний юкланиш тугагандан сўнг бир соатдан кейин олинди. Сўлак намуналари полипропилен найчалар рёдамида сўлак тўплаш тизимига жойлаштирилди (Sali Cap Set, эпиндорф турдаги).

Олинган тадқиқотларнинг натижалари Microsoft Office Excel 2010 дастурий тўплам ёрдамида ва статистик ишлов беришнинг маълум бир усулларидадан фойдаланган ҳолда статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг **“Даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда клиник-стоматологик кўрсаткичлар”** деб номланган учинчи бобида даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда стоматологик мавқе хусусияти, шунингдек беморларнинг биокимёвий текшируви натижалари баён қилинган.

Спортчиларда стоматологик ҳасталаниш ўсишига олиб келувчи муҳим омил бўлиб, кучли машғулот юкланишларни бажариш вақтида оғиздан анфас олишнинг устунлик қилиши ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотларимизда асосан кариес контактли (апроксимал) юзалар ва камроқ ҳолатларда бўйин олди кариес кузатилди.


Ҳасталанишнинг бундай тури кўп ҳолларда симптомсиз кечади ва нафақат пародонт касаллигининг вужудга келишига, балки жағ-юз соҳаси чайнаш мушаклари гипертонуси кўринишидаги функционал бузилишлар, чакка-қуйи жағ бўғими фаолиятининг бузилиши, тишларнинг қаттиқ тўқималарининг юқори даражада емирилиши, понасимон нуқсонларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Шу туфайли даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда ҳаёт сифати ва стоматологик соғлиқ даражасини яхшилашга қаратилган тадбир ва воситаларнинг оқилона мажмуасини ишлаб чиқиш орқали шу тоифадаги шахсларда асосий стоматологик касалликларни олдини олиш аҳамиятини ошириш зарурияти мавжуд.

Олиб борилган ижтимоий тадқиқот натижалари кўпгина спортчиларнинг тиш-жағ соҳасида патологик жараёнлар вужудга келиш эҳтимоли ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслигини кўрсатди. Спортчилар кўп ҳолларда кучли жисмоний ва руҳий зўриқишларга дуч келиб, бунинг натижасида меъёридан ортиқ (ўта кўп) шуғулланиш деб номланган синдром ривожланиши мумкин ва мазкур ҳолат нафақат тайёргарлик жараёни самарадорлиги, балки спортчининг умуман соғлигига ҳам таъсир кўрсатади. Шунингдек ўта кўп шуғулланиш синдроми спортчиларда электролит алмашинувни бузади, энергетик субстратлар миқдорининг камайиши рўй беради, организм томонидан кальций, фосфор, калий тузлари ва айниқса кариозли жараён ривожланишининг олдини олувчи фтор тузини йўқотиши кузатилади. Шу

тарзда, меъеридан ортиқ шуғулланиш ва нотўқис стоматологик соғлиқ шароитида ҳам унинг даражасининг пасайиши, ҳам спортчилар ҳаёт сифатининг ёмонлашиши рўй бериши мумкин. Мазкур вазиятда спортчиларда асосий стоматологик касалликларни олдини олишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд.

Анкета сўров натижаларига кўра спортчиларнинг 13,2% шуғулланаётган спорт тури оғиз бўшлиғи органларининг ҳолатига салбий таъсир қилиши мумкинлигига ишонишини маълум қилишган бўлса, уларнинг 78,2% бунга ишончсизлик билдиришган, 8,6% спортчилар эса ушбу саволга жавоб беришга қийналишган. Спортнинг даврий турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг 84,3% жағ-юз соҳаси жароҳатларини олмаганини, 15,7% эса олганини маълум қилишган (1-расм).

Оғиз бўшлиғи ҳолати, тишлар эмалининг кислотага функционал чидамлиги, оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг тўсувчи (химоя) функцияси ва юқори малакали спортчиларда пародонт ҳолати бутун организмнинг функционал ҳолатига боғлиқ ва бир қатор эндоген ва экзоген омилларга боғлиқ бўлгани туфайли мустақил эмас, балки иккиламчи ҳисобланади.




1-расм. Спортчиларни сўров натижалари

Бундай ҳолат кучли мушак фаолияти билан белгиланган бўлиб, унда қонга аралашган (сингган) ҳолда метаболик ацидозни келтириб чиқарувчи кзп миқдордаги сут ва пирозум кислоталари ҳосил бўлади. рН нинг энг юқори миқдори эшака эшувчиларда аниқланган. Бу спортчиларнинг ушбу гуруҳида одатдагидан кўпроқ ҳолатларда тиш кариеси ва сурункали катарал гингивитнинг аниқланиши билан бирга кечади.

Жадвалда тақдим этилган байдарка ва каноэда яшкак эшувчилар орасида кариеснинг учраб туриш ҳолатлари ўртача 79,2% ни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич соғлом шахслар гуруҳида кариеснинг учраб туриш миқдоридан юқори, яъни ҳудди шу ёшдаги, аммо профессионал спорт билан

шуғулланмайдиган ёшларда мазкур кўрсаткич 47,7% га тенг. Шу билан бирга, байдарка ва каноэда яшак эшувчи қизлар орасида тиш кариесининг тарқалганлиги, ўсмир йигитларга нисбатан 2 барабар кўпроқ кузатилади (2-расм).

Кариеснинг сабабларидан бири бўлиб патоген микроб флоранинг липополисахариди туфайли вужудга келадиган аччиқ (кислотали) муҳит ҳисобланади. Микроорганизм ЛПСи таъсири остида ҳосил бўлган кислотали (аччиқ муҳит) шикастланишлари тўқималарнинг микроциркуляцияси ва оксигенацияси жараёнларини ёмонлаштиради, гипоксия ривожланишига ёрдам беради, эффектор ҳужайраларда бир қатор цитокинлар адгезия молекулалари, оксигеназ ва аччиқ муҳитнинг кучли ифодаланиши (экспрессияси)ни келтириб чиқаради.



2-расм. Спортчиларда стоматологик касалликларнинг учраб туриш сони


Юқоридагиларга асосланган ҳолда, биз, стоматологик касалликлар ва кариес патогенезининг омилларидан бири бўлиб, хусусан, машғулотлар вақтида гипоксия ва оксидантли стресс шароитларини яратадиган атроф-муҳитнинг оғиз бўшлиғи микрофлорасига таъсири ҳисобланади. Шунини қайд этиш лозимки, жисмоний юкланиш вақтида ҳосил бўладиган цитокинлар ва кислород аэрацияси шароитида вужудга келадиган аччиқ муҳит оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Байдарка ва каноэда эшак эшиш билан шуғулланувчи спортчидаги стоматологик мақомини ўрганиш шунини кўрсатдики, милкнинг яллиғланиш оғирлиги даражасини акс эттирувчи РМА максимал индекси ҳам эшакчиларда аниқланади ($18,32 \pm 5,46$). Катарал гингивит ва пародонтит ривожланишининг илк белгиларидан бири бўлиб милклар қонаши ҳисобланади ва бу SBI индекси билан баҳоланади. Бошланғич босқичда у хаттоки касалликнинг бошқа белгилари мавжуд бўлмаса ҳам аниқланади.

Кариес билан ҳасталанишнинг юқори кўрсаткичлари аниқланди. КПУ тузилишини баҳолаш профессионал даражадаги спортчиларга ўз вақтида

стоматологик даволаш ёрдамини ташкиллаштириш борасидаги муҳим камчиликларни кўрсатди.

Спортнинг даврий турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг стоматологик мақоми ҳақидаги маълумотларни тўплаш жараёнида КПУ индексининг ўртача қиймати $3,64 \pm 0,77$ га тенг эканлиги аниқланиб, бу тишларнинг қаттиқ тўқималари кариес билан шикасталаниши интенсивлигининг юқори даражасига мувофиқ келади. ОНІ-S индексини баҳолашда биз $1,24 \pm 0,15$ га тенг бўлган ўртача кўрсаткичларни олиб, бу оғиз бўшлиғи гигиенасининг қониқарсизлиги ва қаттиқ ва юмшоқ тиш чўкиндилярининг мавжудлиги кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади (3-расм).



3-расм. Байдарка ва каноэда эшкак эшиш билан шуғулланувчи спортчиларда стоматологик мақом кўрсаткичлари

Спортчиларда тишларнинг қаттиқ тўқималари шикастланиш хусусиятини ўрганиш давомида, тишларнинг емирилишга юқори мойиллиги ва понасимон нуқсонлар текширилган спортчиларнинг 43% да учраши аниқланди.

Спортчиларнинг стоматологик мақомини тавсифловчи олинган маълумотлар, даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда асосий стоматологик касалликларни олдини олишнинг самарали дастурини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари ҳам стоматолог шифокорлар ва спорт шифкорлари, ҳам ўз тарбияланувчиларининг соғлиги ҳақида қайғураётган ва уларнинг спорт натижаларини яхшилашга интилаётган спорт мураббийлари ва жисмоний тарбия инструкторларининг кундалик амалиётида фойдаланилиши мумкин.

Даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда анамнезни тўплаш давомида барча спортчиларнинг ҳар йили ЎзР МОҚ РСТИАМ да диспанцеризациядан ўтиши маълум бўлди.

Спортчилар айтиб ўтган шикоятларнинг кўпчилигини милкларнинг қонаши, галитоз, милк устида ва остида тиш тошининг ҳосил бўлиши ва милк рангининг ўзгариши каби шикоятлар ташкил қилди (1-жадвал). Хусусан, қон оқиши бўйича ХЗП билан оғриган спортчилар кўпроқ шикоят қилишган (64%).


**Даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчилар
шикоятларининг таҳлили**

| Шикоятлар | Текширилаётган гуруҳ, n=48 | |
|--|----------------------------|-----------------------|
| | Абсолют кўрсаткичлар | Нисбий кўрсаткичлар % |
| Милкларнинг қонаши | 16 | 34% |
| Милк усти ва ости тиш тошларининг ҳосил бўлиши | 18 | 38% |
| Галитоз | 5 | 11% |
| Милк рангининг ўзгариши | 6 | 12% |
| Бир йил давомида кескинлашиш (ўткирлашиш) лар сони | 3 | 5% |

Тиш тошининг ҳосил бўлишига кўрсатилган гуруҳларнинг беморлари ҳам шикоят қилишган. Галитоз тегишлича 15,2% ҳолатларда спортчиларни ташвишга солган бўлиб, бу сохта пародонтал чўнтакларда яшовчи анаэроб микрофлора вакиллар томонидан метаболизм маҳсулотларини ажратиб чиқарилиши билан изоҳланади. Сўровнома маълумотларини таҳлил қилишда сўровномадан ўтказилган спортчиларнинг 24% стоматологга бир йилда 1 марта, 20% спортчилар эса 2 марта, 43% пародонтнинг яллиғланиш касалликларини даволаш мақсадида ташриф буюрганлиги маълум бўлди. Шунини таъкидлаш лозимки, сўроқ қилинганларнинг 80% хусусий стоматологик клиникаларга мурожаат қилишни афзал кўриб, буни улар ушбу клиникаларнинг юқори даражада жиҳозланганлиги ва уларда сифатли пломбалаш материалларининг мавжудлиги билан изоҳлашган.

Аммо оғиз гигиенасига риоя қилиш усуллари билан таништириш ва уларга ўргатиш давлат клиникаларининг фақат 12% ва хусусий клиникаларнинг 15% томонидангина таклиф этилган. Ёрдам сўраб мурожаат қилганларнинг ҳеч қайси бирига оғиз бўшлиғи гигиенасини назорат қилиш усулларини ўрганиб олиш таклиф қилинмаган. Тиш пасталари ва оғиз гигиенасининг бошқа воситаларини танлаш, сўровномадан ўтказилган спортчилар томонидан оммавий ахборот воситаларидаги реклама ёки аптека ва маиший кимё моллари дўконларида олинган маълумотлар асосида амалга оширилган (4-расм).

Оғизнинг турли биотоплари микробли контаминацияси даражасини аниқлаш бўйича вазифаларни амалга ошириш учун материал олиниши ўтказилди (юқори жағ молярлари вестибуляр юзасининг бўйин олди соҳасидан, қуйи жағ молярларининг тил юзасидан суртма олиниши). Материалнинг олиниши икки марта – жисмоний зўриқишга қадар ва ундан сўнг амалга оширилди.



4-расм. Даврий спорт билан шуғулланувчи спортчилар шикоятларининг таҳлили

Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари шундан далолат бермоқдаки, жисмоний зўриқишдан кейин эпидермал стафилококкнинг ортиши (10^2 КОЕ/см² дан 10 КОЕ/см² гача), тилларанг стафилококк (10^3 КОЕ/см² дан 10^4 КОЕ/см² гача), гемолитик ва коагулаз манфий стафилококклар (колонияларнинг жуда кам ва ўртача ўсишидан тегишлича 10^2 КОЕ/см² ва 10 КОЕ/см² гача) ортиши кузатилди. В-гемолитик стрептококкнинг экилиш зичлиги ҳам 10^2 КОЕ/см² дан 10 КОЕ/см² гача, пиоген ва яшил стрептококк тегишлича 10^3 КОЕ/см² дан 10^4 КОЕ/см² ва 10^2 КОЕ/см² дан 10^3 КОЕ/см² гача, ногемолитик стрептококк эса ўртача кўрсаткичдан 10 КОЕ/см² гача ортиши рўй берди. Клебсиеллалар, ичак таёқчаси ва бифидобактериялар борасида ҳам юқоридаги каби ўзгаришлар кузатилади. Энг кескин ўзгариш Candida туридаги замбуруғларнинг экилиш зичлиги ортишида аниқланди: колонияларнинг жуда кам ўсишидан 10 КОЕ/см² гача. Анаэробли пептострептококклар борасида сезиларли ўзгариш кузатилмади.

Текширилаётган гуруҳ бенморларининг гигиеник мақоми хусусиятларини ўрганиш вақтида аниқландики, 90% ҳолатларда тиш устига юмшоқ қават тиш қаторининг олди томонига (таққослаш гуруҳида – дистал бўлимларда) тушган бўлиб, бу машғулотлар вақтида асосан оғиздан нафас олиш билан ва табиийки, қаттиқ тиш тўқималари, тилнинг дорсал (тилорқа), лабиал ва буккал шиллик қаватлардан намликнинг кучли буғланиши билан белгиланган.

18 нафар спортчида милк усти ва остидаги кўп миқдордаги минераллашган чўкиндилар аниқланган (10 нафар СКГГ га ва 10 нафар енгил даражадаги ХГП га мойиллик мавжуд бўлган). Чўкиндиларнинг ранги оч сарикдан тўқ кўнхир ранггача бўлган бўлса, жойлашуви асосан коронкаларнинг ён юзларида бўлган.

92% спортчиларда стартга тайёргарлик ёки сафар машғулотлари даврида пародонт ҳолатининг ёмонлашиши қайд қилиндики (милк қонаши, оғиздан ёқимсиз ҳиднинг таралиши, оғиздаги темир ёки аччиқ-шўр таъми), бу оғиз гигиенасининг одатдаги режимининг бузилиши билан боғлиқ.

Текширилаётган гуруҳдаги спортчиларда гигиеник индексининг қийматлари жисмоний юкланиш яқунлангандан кейин 1,12-1,25 бараварга ёмонлашди ($p > 0,05$). Мюллеман-Коуэлл индекси қийматларининг ўзгариши ҳам қизиқиш уйғотади: машғулотларга қадар спортчиларда ўз-ўзидан ёки сабабли қон оқиши белгилари аниқланмаган эди, аммо машғулотлар тугагандан сўнг асосан олд тишлар гуруҳи соҳасида қонашнинг 8 та ҳолатлари аниқланди. Қайд этамизки, текширилаётган спортчиларнинг ўзлари қон оқишини елка тасмаси ва бўйин соҳаси мушакларининг кучли машқлари ўтказилгани билан боғлашган (қон келишининг кучайиши ҳисобига) (2-жадв).

2-жадвал

Даврий спорт билан шуғулланувчи спортчиларда гигиеник ва пародонтологик индекс кўрсаткичлари

| Индекслар | Пародонтнинг яллиғланиш касаллиги бўлган спортчилар, n=74 | |
|--------------------------------------|---|----------------------------------|
| | Юкламадан аввал n=48 | Юкламадан, тренировкан сўнг n=26 |
| Гигиеник: | | |
| Quigley - Hein индекси, балллар | 3,53±0,48 | 4,87±0,34* |
| Силнесс - Лое индекс, балллар | 2,35±0,34 | 3,68±0,41* |
| Пародонтологик: | | |
| РМА, % | 37,25±1,26 | 40,21±2,58 |
| Свраковнинг йодли сони, балллар | 7,08±0,63 | 7,34±0,58 |
| Мюллемана – Коуэлла индекси, балллар | 2,45±0,21 | 3,05±0,27 |
| Расселу бўйича PI | 3,34±0,21 | 3,86±0,34 |


Изоҳ: * - $P < 0,05$ юкламадан аввалги маълумотлар билан таққосланган фарқларнинг ҳаққонийлиги

Аввалгисидан фарқли равишда гигиеник индекс ўзгариши ХЗП га мойил спортчиларда қайд этилган: Quigley- Hein индекси кўрсаткичи 1,23 ($p < 0,05$), Силнес-Лое индекси 1,48 ($p < 0,05$) бараварга ортган. Қайд этамизки, фронтал тишлар гуруҳининг юзасида юмшоқ тиш қаватининг кучли шаклланиши рўй бермоқда (чайнаш гуруҳидаги тишларга нисбатан). Пародонтологик индекслар борасида РМА қийматлари, Свраков сонининг маълум бир ортиши ҳам қайд этилди, Мюллеман-Коуэлл индекси қийматлари ҳам 1,28 баравар ($p < 0,05$), Россел бўйича PI индекси 1,16 ($p < 0,05$) бараварга ортган.

Аниқланишича, текширилаётган гуруҳ беморларида жағларнинг фронтал бўлимидаги альвеоляр милкнинг (вестибуляр юзадан) дискриминация сезгирлиги 4,4±0,6 мм (2,8±0,2 мм, $p < 0,05$), ён бўлимларда 6,4±1,3 мм (4,1±0,9 мм, $p < 0,05$) ни ташкил қилди, жисмоний юкланиш вақтида сезгирлик тегишлича 6,4±0,9 мм (3,5±0,8 мм, $p < 0,05$) ва 7,1±1,6 мм (5,2±1,3 мм,)гача камайди. Машғулотлар яқунлангандан сўнг ён бўлимлардаги сезгирлик ўзгаришсиз қолди, фронтал бўлимда эса 9,3±2,1 мм (6,2±1,4 мм)гача пасайган.

Сўлак безларининг функционал фаоллиги қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланди: фонли саливация (стимулланмаган саливация) тезлиги, тсимулланган (кимёвий усулда) саливация тезлиги, сўлакнинг юзаки тортилиши.

Байдарка ва каноэда эшкак эшувчи спортчиларнинг сўлак безлари функционал фаоллиги кўрсаткичлари жисмоний юкланишга қадар ва ундан кейинги ҳаққоний ўзгаришларни кўрсатади. Спортчиларда жисмоний зўриқишга қадар сўлакнинг стимулланмаган (рағбатланмаган) ажралиш тезлиги 1,58 мл/дақ ташкил қилган бўлса, жисмоний юкланишдан кейин сўлак ажралиш тезлиги анча камайган – қарийб 5 бараварга. Лимон кислотаси эритмаси ёрдамида сунъий равишда сўлак ажралиши рағбатлантирилганда, спортчиларда фонли ажралиш билан таққослаганда қарийб 4 бараварга ортган ва 3,2 мл/дақ ни ташкил қилган. Таъкидлаш лозимки, спортчиларда сўлак безларининг рағбатлантиришга жавоб беришини нисбий баҳолашда ғашлантирувчи (таъсирлантирувчи) қўлланилганидан сўнг биринчи икки дақиқада кескин ўсиш бўлди. Айрим спортчиларда яққол ифодаланган сўлак ажралиши камайиши туфайли сўлакни контейнер – пробиркага йиғишга эриша олмадик, бу эса фикримизча, организмдаги сув мувозанатининг паст даражаси билан изоҳланади. Машғулотга қадар рағбатлантирилмаган сўлакнинг юзаки тортилиши ўртача $44,12 \pm 3,71$ нм/м ни ташкил қилган бўлса, жисмоний зўриқишдан сўнг у 2 бараварга пасайган. Жисмоний юкланишдан кейин ўрганилаётган кўрсаткич бошланғич кўрсаткичлар билан таққослаганда 2,4 бараварга камайган бир вақтда, спортчиларда рағбатлантирилган сўлакнинг юзаки тортилиши $51,07 \pm 6,53$ нм/м ни ташкил қилди (5-расм).



5-расм. Даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда сўлак безларифункционал фаоллигининг кўрсаткичлари.

Машғулотларнинг турли босқичларида сўлак безларининг ишлаш хусусиятларини баҳолаш шуни кўрсатдики, жисмоний зўриқишдан кейин фонли сўлак ажралиш тезлиги 10 бараварга камаяди. Биз томонимиздан

сўлак безларининг кимёвий рағбатга нисбатан таъсирланишининг пасайиши аниқланиб, буни биз сўлак безларининг секрециясини секинлаштиришга қодир бўлган кортизолнинг ортиқча ишлаб чиқилиши билан изоҳлаймиз. Биз томонимиздан кучли жисмоний зўриқишлар шароитида сўлак безларининг кимёвий рағбатларга нисбатан таъсирланиши муаммолари ёритилган адабий манбалар аниқланмади.

Шу тарзда, спортчиларнинг пародонтологик мақомини комплекс баҳолаш натижалари ноқулай омилларнинг, айнан эса оғиз гигиенасининг паст даражаси, сўлак безларининг ишлаш фаоллигининг пасайиши, бунинг оқибатида секрет хусусиятларининг ўзгариши, хусусан, сўлакнинг юзаки тортилиши ўзгариши, микробли контаминация даражасининг кучайиши каби омилларнинг парадонт тўқимасига биргаликда таъсирдан гувоҳлик беради. Хуллас, ўтказилган тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, меъёридан ортиқ шуғулланиш синдромли спортчиларда, ушбу синдром бўлмаган спортчилар ва спорт билан шуғулланмайдиган шахсларга қараганда клиник бузилишлар яққолроқ намоён бўлади, яъни касалликнинг клиник намоён бўлиши беморларнинг функционал ҳолатига боғлиқ бўлади. Бунинг сабаблари эса маҳаллий (оғиз суюқлиги) даражадаги иммунитет ҳимояси ва ўзгача хусусиятли омилларни ўрганиш чоғида маълум бўлди.

Хулоса қилиш мумкинки, меъёридан ортиқ зўриқиш синдроми парадонтда яллиғланиш жараёнларининг ноқулай кечишини белгилаб беради.


Диссертациянинг **“Даврий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда тадқиқотнинг клиник-лаборатория усуллари баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобида оғиз бўшлиғи ҳимоя тизимининг ҳолатини баҳолаш натижалари, қон плазмаси циокинли профили, шунингдек бундай спортчиларнинг оғиз суюқлиги гликопротеинлар таркибининг хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

